# МАТБААЧИ КАДРЛАР МАҲОРАТИНИ ОШИРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ НАШРИЕТ, ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ СОВЕТИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИДАН

Областимиз полиграфия ва китоб савдоси корхоналарининг коллективлари ўтган йили босма маҳсулотларини реализация қилиш планини 101,7 процент адо этдилар. Меҳнат унумдорлиги салкам 2 процент ошиб, маҳсулот таннархи 3,2 процент арзонлашди. Товар обороти плани эса 104,1 процент бажарилди. Бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам топшириқлар муваффақиятли адо этилди.

Йиғилишда доклад қилган бошқарма бош инженери З. Пантелеева мана шу рақамларни алоҳида тилга олиб ўтди. Область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармасига қарашли корхоналарнинг моддий-техника базаси кейинги йилларда мустаҳкамланиб бораяпти. Олмалиқда яхши технологик ускуналар билан жиҳозланган янги босмахона ишга туширилди. Ангрен, Чирчиқ ва бошқа шаҳарлардаги босмахоналарда ҳарф терувчи автоматлардан фойдаланилмоқда. Уларнинг унумдорлиги анча юқоридир.

Босмахоналарнинг моддий базаси мустаҳкамланганлиги, матбаачилар маҳоратининг ошиб бораётганлиги туфайли босма маҳсулотлар тайёрлаш сифати ҳам сезиларли даражада яхшиланмоқда. Полиграфик ижроси ва безаш бўйича ўтказилаётган республика конкурсларида «Ангренская правда», «Машъал», «Ленин байроғи», «Пахтакорлар овози» газеталарининг совринли ўринларни эгаллаётганлиги шундандир. Айни пайтда босмахоналарда меҳнатни муҳофаза этиш бўйича комплекс планлар муваффақиятли амалга оширияпти.

Лекин шунга қарамай матбаачи кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини оширишда ҳали кўп иш қилиниши лозимлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Кадрларнинг тайёргарлиги етарли даражада бўлмаган жойларда қимматли машиналар беҳуда туриб қолмоқда. Масалан, Бўкадаги районлараро босмахонада ўрнатилган янги «Доминант-724» машинаси тўла унум билан ишламаяпти. Орджоникидзе район босмахонасида офсет машиналари узоқ вақт ўрнатилмай қолди. Корхона раҳбарлари эса кадрлар маҳоратини ошириш, малакали ишчиларнинг турғун ишлаб қолишлари устида кам қайғурмоқдалар. Жумладан, Чирчиқ шаҳар, Орджоникидзе, Калинин, Коммунистик районлари босмахоналарида кадрларнинг қўнимсизлиги пасаймаяпти.

Бўка босмахонасидаги цинкографияда янги ускуналар кўп ҳолларда ишламайди. Клишеларни тайёрлаш учун Тошкентдаги босмахоналарга буюртмалар беришга мажбур бўлинмоқда. Устига-устак газеталарнинг сифатсиз босилаётганлиги ҳам йиғилишда қаттиқ танқид қилинди.

Кўп йиллардан бери Коммунистик районлараро босмахонаси, Чирчиқда китоблар уйи қурилиши чўзилиб келмоқда. Матбаачиларнинг дам олишларини ташкил этиш, улар учун профилакторий қуриш, дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар бериш юзасидан ҳам зарур чоралар кўриш керак.

Область китоб савдоси идорасининг директори А. Ортиқов босма маҳсулотларини реализация қилишда илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш зарурлигини уқтирди. Бу ўринда Белоруссиядаги ташкилотлар тажрибаси диққатга сазовордир. Шу асосда кўпгина жойларда савдонинг ўз-ўзига хизмат формаси жорий этилмоқда. Магазинлар харидорлар учун қулай пайтларда ишлайдиган қилинди. Халқ китоб магазинлари сони кўпайиб, 23 тага етди.

Айни пайтда китоб савдосини ташкил этишда ҳали кўпгина камчиликлар бор. Китобхонлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, буюртмаларни таҳлил қилиш ва бойитиш устида жиддий иш олиб бориш керак. Докладчилар ва сўзга чиққан нотиқлар босма маҳсулотлари сифатини яхшилашга, китобларни омма ўртасида яна ҳам кенг пропаганда қилишга ёрдам берувчи таклифларни ўртага ташладилар.

Жойларда бухгалтерия ҳисоб-китобини яхшилаш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, хўжасизликка қарши курашни кучайтириш зарурлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди. Орджоникидзе ва Калинин районлари босмахоналарида бу соҳадаги ишлар яхши эмас. Бекобод ва Чирчиқ босмахоналарида эса капитал ремонт учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилмаяпти. Кўпгина корхоналарда қоғозларни сақлаш, ҳисоб-китоб қилиб бориш ва фойдаланишда тартиб йўқ.

Йиғилишда сўзга чиққан Бекобод шаҳар босмахонаси директори Ю. Мансуров, Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетаси редактори М. Хўжаева, Ангрен шаҳар босмахонаси бош инженери Ю. Югай, Ғалаба район «Ленин йўли» газетаси редактори А. Хўжақулов ва бошқалар ўтган йилда йўл қўйилган камчиликларни тезроқ тугатиш ва беш йилликнинг сўнгги йилини муваффақиятли якунлаш юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида гапирдилар.



◉ ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Терешкова номли колхозда баҳорги мавсумга техникаларни созлаш якунланмоқда. Ҳозиргача кўпгина ҳайдов, транспорт тракторлари, экиш сеялкалари тайёрлик чизиғига келтириб қўйилди. Ремонтчи механизаторлар ўртасидаги мусобақада Ниғмат Мараимов пешқадамлик қилмоқда. У ўзига бириктирилган трактор ремонтини муддатидан олдин якунлади. Суратда: механизатор Н. Мараимов.

В. Сироткин фотоси.

# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Область ижроия комитетининг навбатдаги мажлисида область маҳаллий саноат бошқармасининг маҳаллий хомашё ҳамда саноат чиқиндиларидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги иши кўриб чиқилди.

Область маҳаллий саноат бошқармаси ва унинг қўл остидаги корхоналарда маҳаллий хомашё ҳамда саноат чиқиндиларидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида муайян ишлар қилиняпти. 1984 йилда ана шундай ресурслар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1982 йилдагига нисбатан 1,6 баравар кўпайди. Декабрь-январь ойларида маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан сифати яхшиланган 15 хил янги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди ва 200 минг сўмликдан зиёдроқ шундай маҳсулот тайёрланди.

Умуман, маҳаллий саноат бошқармаси бўйича асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан планларнинг бажарилиши таъминланди. Бироқ, шу билан бирга область маҳаллий саноат бошқармаси ва унинг қўл остидаги корхоналар ишида камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Область ижроия комитети билан Маҳаллий саноат министрлиги ҳамкорликда ишлаб чиққан тадбирларнинг кўпгина пунктлари бажарилмаяпти. Жумладан, ишлаб чиқариш цехлари ва участкаларини кенгайтириш ҳамда реконструкция қилиш билан боғлиқ ишлар бажарилмаётир. Шунинг оқибатида 1984 йилда маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан 1155 минг сўмлик кам товар маҳсулоти берилди.

Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари резервларини излаб топиш ва ундан фойдаланиш масалаларига ҳам етарли даражада эътибор берилмаяпти. Ажратилган 50 гектар ер майдонидан фақатгина 20 гектари ўзлаштирилди, холос.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш соҳасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Давлат сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган жами 31 хил маҳсулотнинг фақат икки хили ёки 9 процентигина маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидан тайёрланмоқда.

Область ижроия комитети область маҳаллий саноат бошқармаси ҳамда унинг қўл остидаги корхоналарнинг раҳбарлари эътиборини халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, маҳаллий хомашё ресурслари ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиш соҳасидаги жиддий нуқсонларга қаратди.

Область маҳаллий саноат бошқармаси зиммасига корхоналарда белгиланган планларнинг ҳамда савдо ташкилотлари билан тузилган шартномаларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш вазифаси юклатилди.

# ҲАР КИЛОВАТИ, ҲАР ГРАММИ ҲИСОБДА

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида экономикани ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланган тежамкорликни ҳар томонлама кучайтириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида материал, хомашё ва ишчи кучи ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳақиқатан ҳам бу соҳада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўп. Мавжуд ресурсларнинг ортиқча сарфланишига йўл қўймаслик жуда катта иқтисодий аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам барча ишлаб чиқариш коллективларидаги каби бизнинг нурхонамизда шундай резервлар ва имкониятларни қидириб топиб ишга солиш, улардан тўла-тўкис фойдаланишга эришиш учун тинмай кураш бормоқда.

Бу кураш турли йўналишларда олиб борилмоқда. Айниқса, техника тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Тажриба мавжуд асбоб-ускуналарни реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, модернизациялаш ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ҳар томонлама ортишига катта ижобий таъсир этишини кўрсатиб турибди.

Ушбу мақолада фаолиятимизнинг фақат ана шу бир йўналиши ҳақида кўпроқ тўхталиб ўтмоқчимиз. Чунки шу йўл билан ҳам тежамкорликда қувончли натижаларга эришиш мумкин экан. Ҳаммага маълумки, бизнинг нурхонамиз юксак даражада автоматлашган ва механизациялашган корхонадир. Ундаги деярли ҳамма жараёнлар қўл кучини сарф этмасдан олиб борилади. Асосан автомат қурилмалар бошқаради. Лекин шунга қарамай изланиш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ўрганиш ва уларнинг ишимизга ёрдам берадиган янгиликларини қўллаш билан жуда катта иқтисодий самара олаяпмиз.

Кейинги йилларда электр станциямиздаги горелка қурилмаларини такомиллаштириш билан шуғулланяпмиз. Биргина ўтган йили иккинчи ва тўртинчи қозонларнинг шу узеллари реконструкция қилинди. Бу билан иссиқлик энергиясининг таъсир кучи анча ортди. Горелкалар орқали пуркалган аланга илгари вақтдагига қараганда кўпроқ буғ ҳосил қилиш имконини бермоқда.

Техникани тараққий эттириш юзасидан амалга оширган яна бир тадбиримиз турбина конденсаторларини қумдан тозалашнинг прогрессив усули бўлди. Уни қўллаганда юксак ҳаво босими билан қум конденсаторнинг ички деворлари орқали пуркаб ўтказилади. Шу янгилик туфайли бундай агрегатларни тозалаш жараёнлари анча тезлашди. Бундан ташқари, еттинчи ва саккизинчи қозонлардаги биринчи босқич ҳаво иситгичларнинг сиғими кенгайтирилди. Қозонлардан фойдаланиш самарасини ошириш, сувни тежаш имконини берадиган қурилмалар жорий этилди ёки эски шундай асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштирилди.

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА**

Умуман, асбоб-ускуналарнинг тежамли ишлашини таъминлашга қаратилган 12 та тадбирни амалга ошириш планлаштирилган эди. Уларнинг ҳаммаси тўла бажарилди. Бу тежамкорликда яхши самара берди.

Фикримнинг далили учун қатор рақамларни келтирмоқчиман. Аниқ мақсадни кўзлаб олиб борилган шундай ишлар туфайли ҳар бир киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш учун ёқилғи сарфлаш бир мунча камайди. Нормага мувофиқ у 423,83 граммни ташкил этиши керак эди. Аслида эса ҳар бир киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш учун сарфланган кўмир миқдори 420,41 грамм бўлди.

Демак, ҳар бир киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилишда 3,02 грамм «қора олтин» тежаб қолинадиган бўлди. Юзаки қараганда бу рақам жуда арзимагандек кўринади. Аслида эса ундай эмас. Ахир томчилардан денгизлар пайдо бўлганидек шу граммлардан тонналар ҳосил бўлади. Ўтган йил давомида шу йўл билан иқтисод қилинган кўмир миқдори 8197 тоннани ташкил этди. Бу 150 вагондан ортиқ ёқилғи тежаб қолинди демакдир. Агар бу йилги қишнинг ниҳоятда совуқ келганлигини ҳисобга олсак ёқилғини иқтисод қилишда эришган ютуқларимизнинг салмоғи янада ёрқинроқ намоён бўлади. Ана шу миқдордаги кўмирни халқ хўжалигининг бошқа эҳтиёжлари учун, меҳнаткашларнинг уйларини иситиш учун ажратиб берганлигимиз билан қувонамиз.

Нурхонамизда тежамкорликнинг яна бир муҳим резерви борлигини доим ёдда тутамиз. У ҳам бўлса станциянинг эҳтиёжлари учун электр энергияси сарфлашдир. Барча бўлинмаларда ҳар бир киловатт-соат ҳаётбахш нурнинг сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатганмиз. Уни тежашда яхши натижаларга эришаётган коллективлар, айрим ишчи-хизматчилар муттасил рағбатлантириб турилибди.

Умуман, тежамкорликдан бутун коллективимиз манфаат кўрмоқда. Шунинг учун ҳам барча нурчиларимиз бу хайрли ишда фаол иштирок этмоқдалар. Улар ҳар бир агрегатнинг бекор ишлашига, ҳар бир лампочканинг фойдасиз ёниб туришига йўл қўймаяптилар. Тежалган киловатт-соатлар йиғилиб, жуда катта рақамни ташкил этмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили давомида иқтисод қилинган электр энергияси 2 миллион 74 минг киловатт-соатни ташкил этди.

Коллективимиз якунловчи йилда ҳам ишлаб чиқаришнинг барча муҳим кўрсаткичлари қатори тежамкорликда янада яхши натижаларга эришиш учун қизғин кураш бошлаб юборди. Биз йил давомида ками билан минг тонна ҳажмида кўмир ва ўз эҳтиёжларимиз учун сарфланадиган нурдан 500 минг киловатт-соат тежаб қолишга аҳд қилдик. Нурчиларимиз эл-юрт олдида берилган шу ваъданинг уддасидан чиқиш учун янги-янги резерв ва имкониятларни аниқлаб, ишга солишяпти.

Бу муҳим ишда ўнлаб инженер-техник ходимлар, ишчи-хизматчилар фаол қатнашмоқдалар. Айниқса, инженерлардан К. Хайитбоев, турбина машинисти Э. Алматов, ёқилғи етказиб берувчи транспортёр машинисти З. Зайнапова ва бошқалар бу хайрли иш иштирокчиларининг олдинги сафларида боришяпти. Уларнинг куч-ғайрати бошқа касбдошларини ҳам ижодий изланишга, унумли ва сифатли ишлашга даъват этмоқда.

**М. БОБОРАҲИМОВ,**
**Ангрен ГРЭСининг директори.**

**24 ФЕВРАЛЬ — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар КУНИ**

# ПУХТА ҲОЗИРЛИК

**● ПОЙТАХТНИНГ Октябрь районидаги 12-сайлов участкаси агитпунктида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўрилаяпти. Бу ерда сайловолди ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Халқ номзодлари билан учрашувлар бўлиб ўтаяпти. Халқ ўзининг муносиб ўғил-қизларига катта ишонч билдириб, уларга наказлар бермоқда. Агитаторлар эса сайловчилар билан турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштириб, айни кунларда яна ҳам самарали ишлаяптилар.**



**СУРАТДА: бир группа агитаторлар сайловчилар ҳузурига йўл олмоқдалар.**

**Б. Алимов** фотоси.

# ЭЛЕКТР ЁРДАМИДА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг олимлари яратган қурилма узумни майиз ва меваларни қоқи қилиш жараёнини анча тезлаштиради. Бу қурилма меваларга электр чақмоқлари билан ишлов бериш учун мўлжалланган. Тажрибалар бундай операция мевалардаги намлик буғланишини жадаллаштиришини кўрсатди.

Узум ва меваларни қоқи қилишдан олдин одатда улар қайнаб турган қоришмага солинади. Бу ишга анчагина энергия сарфланади. Олимлар яратган янгилик энергия сарфини камайтириш имконини беради. Бу қурилма мева-чевалар солинган ғалвирсимон патнислар қўйилган транспортёрлардан иборат. Шу транспортёрдаги мева ва узум юқори вольтли электродлар таъсирига учрайди. Ана шу электродлар патнисларга текканида чақнаш юз беради.

Қурилмадан фойдаланиш майиз ва қоқи тайёрлаш муддатини 2,5 баравар қисқартириш имконини беради.

(ЎзТАГ мухбири).

# Анъана давом этмоқда

**Тошкент районидаги Энгельс номли 27-ўрта мактабда рус тилини ўқитишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда Нина Григорьевна Сабецкая, Нинель Ивановна Гушчина, Адиба Орифжонова, Тўхтамурод Жунусбоев, Сайёра Раҳматуллаева, Турсуной Каримова сингари ўз фанига чин ихлос қўйган педагоглар ишлашмоқда. Муҳаббат Мирзааҳмедова, Сабоҳат Ирисова, Мақсуда Абдураҳмонова, Муяссар Йўлдошева каби жонкуяр рус тили муаллималари эса ана шу мактабнинг собиқ талабаларидир.**

**— Бизда бу предметга меҳр уйғотиш иши анча илгари бошланган, — дейди мактаб илмий бўлимининг мудири Манноб Ортиқов, — урушдан кейинги йилларда ёш авлодга қалб қўрини бағишлаган Антонина Александровна Маркова, Мария Ивановна Сергунькова, Зия Богданович Сайфиддинов, Сергей Львович Романов, Тамара Петровна Кочегарова, Клара Евсеевна Чернишевалардек талантли ўқитувчиларнинг дарс бериш анъаналари ёш педагоглар томонидан изчил давом эттирилмоқда.**

**Қуйида ана шу мактабдаги рус тили ўқитувчиларининг иш тажрибалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларн эътиборингизга ҳавола қилинади.**

## Рус тили — иккинчи она тилимиз

### ДАРСЛИК БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАЙЛИК

**Нина Григорьевна САБЕЦКАЯ,**
**Рус тили ва адабиёти ўқитувчиси**

Болаларда рус тили фанига меҳр уйғотишда фақат дарсликлар билан чекланиб қолмаслик керак деб ўйлайман. Чунки уларда маълум бир аниқ тема юзасидангина фикр билдирилади. Масалан, ўқувчиларга Максим Горький ёки Владимир Владимирович Маяковский таржимаи ҳоллари, асарлари бўйича программага мувофиқ машғулотларни ўтиб бўлдик, дейлик. Демак, талабалар бу адиблар ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ сўзлар, жумлаларнигина ўзлаштиришлари мумкин. Албатта, худди шу тарзда ўқувчиларда сўз бойлиги кўпайиб борса-да, аслида бундай билим уларнинг ўтилаётган мавзу бўйича фикрий доирасини кенгайтиришга кифоя қилмайди.

Шунинг учун мен дарсдан ташқари пайтларда болаларни экскурсияларга олиб чиқиш усулидан кўпроқ фойдаланаман. Йўлакай кўрган-билганларимизни рус тилида сўзлашиб борамиз. Кейин музей, кино-театр ёки табиат сафаридан қайтгач, ўқувчилар ўз таассуротларини ўртоқлашадилар. Суҳбат жараёнида жумла тузилишларида йўл қўйиладиган нуқсонларни айтиб тураман.

«Таассуротларимиз билан ўртоқлашамиз» мавзуида яқинда бўлиб ўтган суҳбат дарсида Тошкентдаги давлат санъат музейига қилган сафаримиз ҳақида гап борди. Шу кунгача талабалар оғзаки нутқида рассомлик санъати билан боғлиқ сўзлар кам ишлатилган ва яхши тушунча ҳосил қилмаган бўлса, улар нафосат асарларини амалда кўргач, «рассом», «истеъдод», «нафис», «бадиий фонд», «давр», «манзара», «табиат», «бадиий кўргазма», «гўзаллик», «бадиий образ» каби ўнлаб сўзлар ҳисобига нутқлари бойиди. Бундан ташқари улар ўзлари яшаётган ҳозирги даврдан бир неча аср илгари ҳам буюк рассомлар яшаганлиги, санъат — халқ орзуси, ҳис-туйғуларининг эркин ифодаси эканлигини ҳам билиб олдилар. Суҳбатдан кейин таассуротларни уй иншоси тарзида ёзиб келишни топширдим. Бу билан мен болаларда рус тили бўйича олган билимларини икки томонлама: оғзаки ва ёзма тарзда мустаҳкамлашга интиляпман.

Тилга меҳр уйғотишда ҳар бир ўқувчининг ўз оилавий аҳволи, уйда унга яратилган шароит, ота-оналар билан бола ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги суҳбатлар ҳам фойдалидир. Бунда болалар рўзғор юритишга оид сўзларни қўллашга ўрганадилар.

Ҳаётий воқеалар, маълум бир объектлар билан боғлиқ мавзулардаги суҳбатлар ҳамиша дарс соатларида ўтказилмайди, албатта. Бу ҳолда педагог ўқув программасини бажаролмай қолиши мумкин. Шунинг учун бундай тадбирларни уюштиришда дарсдан ташқари соатлардан, тўгараклардан фойдаланилади. Ана шундагина ўқитувчи ўз талабаларида улуғ ва қудратли тилга ихлос уйғотишда кўзлаган мақсадларига эришади.

### УСТОЗЛАРДАН ЎРГАНИБ

**Адиба ОРИФЖОНОВА,**
**бошланғич синфлар бўйича рус тили муаллими**

Ўрта мактабда ўқиб юрганимда рус тилини жуда севардим. У менга бошқа халқлар ҳаёти, маданияти билан танишишга йўл очди. Қўлимга аттестат олгач, шу фан бўйича ўқитувчи бўлишга қатъий аҳд қилдим. Ҳозир мактабда муаллимлик қиляпман.

Иш жараёнида бизга билим берган педагогларга енгил бўлмаганлигини ҳис этаман. Дастлабки пайтларда ҳар бир дарс мен учун машаққатли эди. Чунки билиш бошқаю, билганларингни ўқувчи онгига сингдириш бошқа экан. Йиллар ўтиши билан бирмунча тажриба орттирдим. Ҳозир тўртинчи синфларга дарс бераман. Болаларнинг ўтилган темаларни пухта ўзлаштиришида кўргазмали қуроллар, диафильмлардан фойдаланиш яхши натижа беряпти. Биз синфда луғат билан кўпроқ шуғулланамиз. Ўқувчилар сўзларнинг русча-ўзбекча маъносини тушуниб олишгач, уларнинг ҳар биридан шу сўзлар ёрдамида оғзаки гап тузишни талаб қиламан. У фикрини тўғри ва тўлиқ баён этгандан кейин ўзи тузган гапни доскага ёзади. Ўқувчилар билан биргалашиб гапнинг грамматик жиҳатдан тўғри-нотўғрилигини текширамиз.

Маълумки рус тили фанини пухта эгаллашда оғзаки нутқни ривожлантириш катта ўрин тутади. Бунга эришиш мақсадида текстни ўқиб бўлгач, ўша заҳоти сўраш методидан фойдаланяпман. Бу эса ўқувчиларда темани тушуниб ўқиш масъулиятини оширади. Улар онгида сўзлар чуқур из қолдиради.

### ЧИН МЕҲР СЎНМАС ЭКАН

**Эркин КОМИЛОВ,**

**Собир ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочилари**

Ўтган йили ўнинчи синфни битирганлигимизнинг йигирма беш йиллигини нишонладик. Бизга меҳнати сингган мураббийларимизнинг ҳаммаси даврамизда иштирок этишди. Фақат бетоблиги туфайли рус тили ўқитувчимиз Клара Евсеевна Чернишева кечамизга кела олмади. Ҳамма жамулжам бўлганидан беҳад хурсанд бўлсак ҳам, кўнглимизнинг аллақаери увишиб турганлигини аниқ ҳис этардик. Бу бежиз эмасди, албатта. Ўқитувчимиз бизларга жуда меҳрибон ва ўта меҳнатсевар эди. У мактабимизга шаҳардан қатнарди. Лекин ҳеч қачон уйига шошилмасди. Биз ҳамма дарслардан кейин ҳам, кечки пайт ҳам Клара опамизни мактабдан топардик. У тушунмаганларимизни эринмай тушунтирар, ҳеч кимни камситмас, ҳамма болаларни бирдек ҳурмат қилар эди.

Ўша вақтлардаёқ у бизда рус тилига чинакам меҳр уйғота олди. Синфдошларимиздан айримлари 9, 10-синфларда рус тилида эркин гаплашадиган, баъзи ҳикоя, текстларни ўзбекчага бемалол таржима қила оладиган бўлиб қолдилар.

Кейинчалик ҳам тенгдошларимиз қаерда бўлишмасин, олий ўқув юртларидами, колхозда, заводда ёки ҳарбий хизматдами Клара Евсеевнадан алоқаларини узмадилар. Ҳозир меҳрибон ўқитувчимиз пенсияда. Тошкентнинг Қорақамиш массивида ҳаёт кечиряпти. Яқинда бир группа ўртоқларимиз билан бутун синфдошларимиз номидан жонкуяр педагогимизни бориб кўрдик. Унга юбилей даврасида топширилмаган бир даста гулимизни топширдик. Муаллимамизнинг боши осмонга етди. Меҳнати зое кетмаганлигидан қалби ҳаяжонга тўлиб, кўзларида севинч ёшлари қалқиди.

Ҳақиқатан ҳам чин меҳр ҳеч қачон сўнмас экан.

# ҲАММАСИ АЁЛЛАР УЧУН

ТОШКЕНТ парфюмерия фабрикаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилини муваффақиятли якунлаб, пландан ташқари 356 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Меҳнатсевар коллектив беш йилликнинг зарбдор якунловчи йилини ҳам муваффақиятли бошлади. Улар январь ойи планини муддатидан илгари бажариб, қўшимча 97 минг сўмлик парфюмерия-косметика буюмлари тайёрладилар.

Фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кўпайтиришга ҳам эътибор кучайтирилди. Ҳозирнинг ўзида бу ерда 110 дан ортиқ турли хилдаги атир-упалар тайёрланмоқда. Биргина 1984 йилда «Тоҳир ва Зуҳра», «Тўйга» парфюмерия наборлари, «Ялла», «Восточная» духилари — жами 7 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилган эди. Бу йил ҳам фабрикада 7 хил янги парфюмерия-косметика буюмлари тайёрлана бошланади.

Фабрикада шу кунларда тежамкорлик ҳаракати ҳам жонланиб бормоқда. Ҳамма гап шундаки, ишчи-хизматчилар йил давомида икки кун тежалган хомашё ва ресурслар ҳисобига меҳнат қилишга аҳд этишган. Бунинг учун 20 минг киловатт-соат электр энергияси, 21 минг сўмликка яқин материал ва хомашёлар тежалиши керак. Ана шу кўрсаткичга эришилсагина социалистик мажбуриятнинг асосий бандларидан бири муваффақиятли бажарилади — йиллик планга қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот савдо тармоқларига етказиб берилади.

**А. ҲАКИМОВ.**

